201 A ... nomidagi O'zbekis... MK

# Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

MUSTAQILLIGIMIZNING 28 yilligiga

Inson manfaatlari — oliy qadriyat


# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA • info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 35 (1256) • 2019-yil 1-sentabr, yakshanba


## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Мана шу қувончли айёмда сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Бундан йигирма саккиз йил олдин Биринчи Президентимиз, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Ўтган қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз машаққатли, шу билан бирга, шарафли истиқлол йўлини босиб ўтди.

**Бугун бир ҳақиқатни катта ғурур ва ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустаҳкам иродасини намоён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда.**

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган **"Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари"** деган устувор ғоя биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

**Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз.**

Давлатимиз, эл-юртимизнинг салоҳияти ва куч-қудратига таяниб, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, биз ўз олдимизга қўйган ана шундай мақсадлар сари изчил қадам қўймоқдамиз.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Биз бугун қандай ислоҳотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойиҳаларни амалга ошираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси ягона, улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, мана шу меҳнаткаш, заҳматкаш, олижаноб халқимизни рози қилиш, ҳаётнинг барча синовларини матонат билан енгиб яшаётган ватандошларимизнинг ишончини оқлаш, оғирини енгил қилишдан иборатдир.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай улуғ мақсадларга ўз-ўзидан, қуруқ ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмайди. Бундай марраларга фақат тинимсиз, оғир ва фидокорона меҳнат билан эришилади.

Шу мақсадда сўнгги йилларда давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусий мулк ва тадбиркорлик учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда.

Қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу йилги табиат қийинчиликларига қарамасдан, миришкор фермер ва деҳқонларимиз мардона меҳнат қилиб, кўплаб соҳаларда мўл ҳосил етиштирдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, барча деҳқон ва фермерлар, дала меҳнаткашларини халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида эришаётган катта ютуқлари билан самимий табриклашни ўз бурчим, деб биламан.

Азиз дўстлар!

**Юртимизда ижтимоий ривожланиш бўйича ўзига хос тизим шаклланмоқда.** Бу борада "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Ёшлар — келажагимиз", "Беш ижобий ташаббус" каби дастурларимиз аҳолини янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида юзлаб туман, шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфаси тубдан янгиланмоқда.

2-БЕТ

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз ва мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётган хорижликлар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Кўксарой қароргоҳида 31 август куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев йиғилганларни, уларнинг тимсолида жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни муборакбод этди.

Бугун барча-барча жабҳаларда ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт, одамлар турмушида катта ўзгаришлар, ислоҳотлар амалга оширилаётгани ва уларнинг дастлабки натижалари кўзга ташланаётгани таъкидланди.

— Халқ билан ҳеч қачон бундай мулоқот бўлмаган. Одамларни эшитиб, уларнинг муаммоларига қулоқ солсак, келажакда қиладиган ишларимиз режаси тўғри бўлади. Энг асосийси, халқимиз ишончи бизга куч беради, — деди Президент.

3-БЕТ

## ОЗОДЛИК КУРАШЧИЛАРИ ВА ЗУЛМ-ИСТИБДОД ҚУРБОНЛАРИ ЁДИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

**Халқимиз тарихнингададсиз тўфон ва суронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги дориломон замонга безавол етиб келишида унинг қон-қонига сингиб кетган орият туйғуси ва беназир жасорати муҳим аҳамият касб этади.**

Бой тарихга эга ўзбек халқи юксак маданият, буюк маънавият, беқиёс илм-фан соҳиблари бўлган, ўз даврида цивилизацияларни тебратган улуғ мутафаккир ва алломалар, тенги йўқ саркардалар ворисидир.

Жумладан, ўтмишимизнинг, Қодирий бобонинг истилоҳи билан айтганда, **«энг оғир ва қора кунлари»**да – турли истибдод, босқин ва шафқатсиз қатағонлар даврида озодлик йўлида жон фидо қилганлар, адолатсизлик қурбони бўлганлар жасоратининг ҳам ворисидир.

Мустабид ва истилолар даврида бу заминда минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай фидойи ва матонатли ўғил-қизлари номларини, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида улар хотирасига эҳтиром туйғусини юксалтириш мақсадида 2001 йилдан буён 31 август санаси мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади.

3-БЕТ

## Мард ва олижаноб халқимизнинг боқий байрами

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

3-БЕТ



ФАОЛИЯТ

## Ёшлар — янгиланаётган Ўзбекистоннинг бунёдкор кучи

Кейинги икки-уч йил ичида Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Бу ҳолат, айниқса, ҳукумат, партиялар, депутатлик корпуслари фаолиятидаги очиқлик ва шаффофлик ва ошкораликда яққол кўзга ташланмоқда. Куни кеча бирон-бир вилоят ҳокими ёки вазирнинг қабулига киролмаган депутатларимиз, бугун уларнинг ҳисоботини эшитиб, фаолиятига баҳо бермоқда. Сўзимнинг аввалида айтиб қўя қолай, бу жараён кимлардир ўйлагандек осон кечмаяпти. Ёки бизни кўролмаётган ғаламислар пана-пастқамда миш-миш уруғини экаётгандек кўзбўямачилик учун қилинмаяпти. Тараққиётнинг янги босқичига мослашиш, бугунги тезкор давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиш жараёни ҳам енгил кечаётгани йўқ.

4-БЕТ

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши, унинг барча бўғиндаги тузилмалари, кўп минг сонли сафдошларимиз энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг 28 йиллиги билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади!**



ҚУТЛОВ

## Мукофот муборак!



*Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги байрами арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар қаторида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Мақсуд Қурбонбоев ҳам "Дўстлик" орденига сазовор бўлди.*

*Биз партиямиз фракцияси аъзоси М.Қурбонбоевни юксак мукофот билан самимий қутлаб, фаол ва фидойи сафдошимизга келгуси фаолиятида янада муваффақиятлар тилаб қоламиз.*

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши**

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида бўлаётган катта ўзгаришлар ҳам сизларга яхши маълум.

Биз умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизимни тикладик. **Мактаб таълимини ривожлантириш масаласи буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланмоқда.**

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Фақат кейинги уч йилда 35 та янги олий ўқув юрти ташкил қилинди ва уларнинг умумий сони 112 тага етди. Буларнинг 13 таси нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Юртимизда кўплаб янги шифохоналар, тиббиёт марказлари, оилавий ва хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Кейинги йилларда **кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.** Бу борада Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги, Ногиронлиги бўлган инсонларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганини қайд этиш лозим.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш биз учун энг долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Бизнинг барча иқтисодий ва ижтимоий дастурларимиз, йирик инвестиция лойиҳаларимиз, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларимизнинг марказида айнан шу муҳим масала асосий мақсад ва вазифа бўлиб турибди.

Узоқ вақт давомида ўткир муаммо бўлиб келган аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам юртимизда янги давр бошланди, десак, хато бўлмайди.

Мамлакатимизнинг маданий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Биринчи марта Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали катта муваффақият билан ўтказилди. Куни кеча Самарқанд шаҳрида юксак савия ва баланд руҳ билан ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бетакрор мумтоз санъатимизни яна бир марта дунёга намоён этди. Сентябрь ойида эса Қўқон шаҳрида илк бор Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказамиз.

**Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз.** Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани — халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир.

Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизғин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Азиз дўстлар!

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича мустақил сиёсатини қатъий давом эттирмоқда ва бу сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда маҳбусларни афв этиш институти жорий этилди. Кейинги уч йилда етти марта афв эълон қилинди. Натижада қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 4 мингга яқин маҳбус жазони ўташ жойларидан озод этилди.

Куни кеча афв этиш ҳақидаги яна бир фармонга имзо чекдим. Унга кўра жазо муддатини ўтаётган 65 нафар фуқаро афв этилди.

Тасаввур қилинг, ўз уйига, яқинлари бағрига қайтаётган бу инсонларнинг, уларнинг ота-онаси, фарзандларининг қувончи, хурсандчилигини "ойнаи жаҳон" орқали кўрган одам, бу ҳақиқатан ҳам эзгу ва савобли иш эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Мустақиллик байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Жаслиқ қўрғонидаги жазони ижро этиш колонияси ёпилгани инсонпарвар сиёсатнинг яна бир ифодаси бўлди.

Бу тарихий қадам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сиёсати даражасидаги узлуксиз жараён эканини кўрсатади.

**Бугунги кунда Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодир мамлакат сифатида ўзини намоён этмоқда.**

Чет элларда ишлаётган ва таълим олаётган ватандошларимиз билан алоқалар мустаҳкамланиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмоқда. Ўзбекистонга қайтиб, иш ёки ўқиш фаолиятини давом эттириш истагида бўлган фуқароларимиз учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 156 нафар ватандошимиз — асосан аёллар ва болалар жанговар ҳаракатлар давом этаётган Суриядан қайтариб олиб келинди ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди.

Албатта, кечиримли, меҳр-оқибатли бўлиш халққа ҳам, Худога ҳам манзур бўлади. Мана шундай эзгу фазилатлар бизнинг бағрикенг халқимизни янада улуғлайди.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида ҳам фаол ва самарали фаолият олиб бормоқда. Узоқ ва яқиндаги барча давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқаларимиз тобора кенгайиб, ривожланмоқда.

Аввало, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилиб, ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда. Минглаб оддий одамларнинг чегаралардан бемалол ўтиши, минтақамиз бўйлаб эркин ҳаракатланиши, қариндош-уруғлари билан борди-келди қилишлари учун барча шароит яратилди.

Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда, Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган мулоқотларда фаол иштирок этмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишда, юртимизнинг дўстлари ва ҳамкорларини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, хайрихоҳ бўлиб келаётган, бугунги тантанада иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига самимий ҳурмат ва миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Ҳаётимизда тинчлик-тотувлик, миллатлар ва динлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланиб бормоқда. Биз буни барча ислоҳотларимизнинг кафолати, энг муҳим натижаси, деб биламиз.

Бугунги кунда амалга ошираётган ислоҳотларимиз, халқ билан мулоқот давлат сиёсати даражасига кўтарилгани туфайли жамиятимизда очиқлик ва эркинлик муҳити тобора кучайиб бормоқда.

Одамлар ташаббус кўрсатиб, нафақат ўз шахсий муаммоси, балки кўпчиликнинг дарду ташвишларини ҳал қилиш учун давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлашга ўрганмоқда.

Биласизлар, мен мамлакатимиз бўйлаб жуда кўп сафарларда бўламан. Жойларда, олис туман, қишлоқ ва овулларда бўлиб, янги-янги иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни жорий этишга, одамлар нима билан яшаяпти, уларнинг аҳволи, кайфияти қандай эканини яқиндан билишга, уларни қийнаётган муаммоларни ечиш учун ёрдам беришга интиламан.

Мана шундай очиқ, самимий мулоқотлар асосида бугун халқимиз билан кўп-кўп мураккаб, муҳим масалаларни биргаликда ҳал қилмоқдамиз. Ва бу одамларимиз қалбида келажакка ишонч уйғотиб, уларни янги, улкан марралар сари руҳлантирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу — бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Шу улуғ айёмда ҳар қандай оғир синов ва машаққатларда ҳам Ватанимиз мустақиллигини асраб, унинг барқарор тараққиётини таъминлаб келаётган мард ва бағрикенг халқимизга ҳалол ва фидокорона меҳнати, истиқлол ғояларига садоқати учун чуқур таъзим қиламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Албатта, ҳаёт бор экан, унинг ўткир талаблари, муаммолари бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Лекин ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қилиш учун, аввало, бирлик, ҳамжиҳатлик зарур.

Барчамизга, айниқса, раҳбар ва етакчиларга чуқур билим, ақл-заковат, сабр-тоқат керак. Шунинг учун **"Жаҳолатга қарши — маърифат"** деган фикрда катта маъно бор. Бу ғоя фақат диний тарбия билан боғлиқ ишларда эмас, балки ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳар бир масалани маърифат асосида чуқур ўйлаб, халққа ҳурмат билан, такрор ва такрор айтаман, одамлар фикрини инобатга олиб, фақат қонун ва адолат мезонига таянган ҳолда ҳал этсак, эл-юртимиз биздан албатта рози бўлади.

Бугун замон ўзгарди. Энди ҳаммамиз эркинлик, очиқлик, ошкоралик шароитида ишлашга ўрганишимиз лозим. Барча ривожланган давлатлар, дунё ҳамжамияти шундай яшамоқда.

**Даврнинг, ҳаётнинг кескин талабларидан орқада қолмаслик учун барчамиз ҳар куни ўқиб-ўрганишимиз, ўз устимизда ишлашимиз, билим ва савиямизни доимо ошириб боришимиз керак.**

Бизнинг томирларимизда улуғ аждодларимизнинг қони оқмоқда. Буюк боболаримизнинг муносиб издошлари ва давомчилари бўлиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

**Ўз Ватанини, она халқини равнақ топтириш учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш: бу — жасорат ва мардлик, бу — она юртга муҳаббат ва садоқат, бу — тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир.**

Шу кунларда ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб, барчага намуна бўлаётган юртдошларимизга марказда ва жойларда давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари тантанали равишда топширилмоқда.

Эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилиб, халқимиз ўртасида катта обрў-эътибор топган ана шундай ватандошларимизни ўз номимдан, сизларнинг номингиздан самимий табриклаб, эзгу тилакларимизни билдиришга рухсат этгайсиз.

Азиз дўстлар!

**Бугун бир фикрни қатъият билан таъкидлашни зарур, деб биламан: Ўзбекистондаги демократик жараёнлар энди орқага қайтмайдиган, муқаррар тус олди.**

**Биз мана шу ёруғ кунлар учун курашиб, жон фидо этган ота-боболаримизнинг ҳаққи-ҳурмати, 33 миллионлик халқимизнинг ҳаққи-ҳурмати, бизга умид ва ишонч кўзи билан боқиб турган болаларимиз, набираларимизнинг ҳаққи-ҳурмати — мустақиллик ва истиқлол йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз!**

**Ўз мақсадларимизга албатта етамиз — келажаги буюк Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо этамиз!**

Қадрли ватандошлар!

Ҳаммамизга яхши маълумки, олдимизда катта сиёсий воқеа турибди. Шу йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади.

Бу сайловлар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтаришда яна бир муҳим амалий қадам бўлади.

Бу сайловлар бутун халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг орзу-интилишларини ифода этиб, улар учун янги имкониятлар очиб беради, деб ишонаман.

Бугунги кунда қанча-қанча билимли, нуфузли хорижий университетларда таҳсил олган, чет тилларни, замонавий бошқарув усулларини яхши биладиган навқирон ёшлар ҳаётимизга кириб келмоқда.

Улар бизнинг умидимиз, эртанги кунимиз. Шунинг учун ёшларга кенг йўл очиб бериш, эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш, уларга масъул лавозимларни ишониб топшириш бундан буён ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Азиз фарзандларимиз эл-юртимизнинг ана шундай юксак эътиборига муносиб бўлиб, ўз салоҳияти билан, миллий ғоямизга садоқати билан Ўзбекистонимизни бутун дунёгаараннум этишларига ишонаман ва бу йўлда уларга бахт ва омад тилайман.

Муҳтарам ватандошларим!

Сизларни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрами билан яна бир бор чин дилдан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, янги-янги ютуқлар, оилавий хотиржамлик ёр бўлсин, фарзандлар, набираларнинг бахту камолини кўриш насиб этсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, жонажон Ўзбекистонимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

---

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август куни Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Александр Лукашенкони туғилган куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва катта зафарлар тилади.

Беларусь Президенти, ўз навбатида, илиқ қутлов учун миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарини ва кўп миллатли Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни билан табриклади.

Томонлар серқирра Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари бугунги кунда юқори суръатлар билан ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг роппа-роса бир ой аввал Беларусь Республикасига амалга оширган илк расмий ташрифининг самарали натижалари икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга хизмат қилгани, уни аниқ мазмун билан бойитгани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари эришилган келишувлар, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техник, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда имзоланган битимларни ўз вақтида амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кенг кўламли ҳамкорлик ва устувор йўналишларда кооперацияни кенгайтириш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

**ЎзА**

---

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистоннинг халқчил, инсонпарвар сиёсатини дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Ташқи ва ички сиёсат кенг кўламли мулоқот ва муносабатлар асосида, уйғун ҳолда олиб борилмоқда.

— Биз учун биттаю битта тўғри йўл, ягона мақсад миллатимиз, халқимиз, жонажон Ўзбекистонимиз манфаатини юқори тутишдир. Бунинг учун доимо етти ўлчаб, бир марта кесадиган сиёсат олиб боришимиз керак. Олдимизда мураккаб вазифалар турибди. Халқимизга, сизлар каби мард ва шижоатли юртдошларимизга ишониб, маррани катта олдик, — деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев маросимга йиғилганларни номма-ном тилга олиб, давлат мукофотлари билан табриклади. Уларни Ватанимизнинг асл фарзандлари, виждони пок, қалби уйғоқ одамлар деб атади. Самарали фаолияти, ҳалол ва фидойи меҳнати, ёшларга ибрат бўлаётгани учун уларга миннатдорлик билдириб, эзгу тилакларини изҳор этди.

Президентимиз тақдирланган юртдошларимиз ва хорижлик дипломатларга мукофотларни тантанали равишда топширди.

— Шундай юксак мукофотга муносиб кўргани учун Президентимиздан миннатдорман, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Ҳасан Нормуродов. — Вазифа, мартаба инсоннинг ўзига бино қўйиб, кибру ҳавога берилиши учун эмас, аксинча, эзгу амаллари билан ўзгалар қалбида яхшилик чаманзорларини яратиш учун берилган. Қайси бир раҳбар шу қоидага амал қилиб иш кўрса, доимо халқнинг назарида бўлади. Бундан кейин ҳам қўлимдан келганича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

---

## ОЗОДЛИК КУРАШЧИЛАРИ ВА ЗУЛМ-ИСТИБДОД ҚУРБОНЛАРИ ЁДИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

31 август. Субҳи сабоҳ. Шаҳидлар хиёбони.

Президент Шавкат Мирзиёев "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасида ўтказилган халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросимида иштирок этди.

Таомилга кўра ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари ҳаққига дуо қилинди.

Барчамизга маълумки, қурбон бўлганларнинг номларини тиклаш, хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи бунёд этилган.

Музей 2008 йилда қайта таъмирланиб, кенгайтирилган ва экспозиция заллари 3 тага етказилган. Ўша йили янгиланган экспозиция 10 бўлимдан иборат бўлиб, 14 минг 665 экспонатни ўз ичига олади. Айни пайтда мингга яқин тарихий ашё намойиш этилмоқда. Уларнинг элликка яқини ноёб экспонат ҳисобланади. Замонавий техник воситалар билан жиҳозланган музейга ҳар йили 50 минг зиёратчи ташриф буюрмоқда. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади.

Музей Германия, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Жазоир ва қатор бошқа мамлакатлардаги турдош муассасалар, илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аждодларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши бугунги кун ёшлари учун ибрат мактаби экани инобатга олиниб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари ҳузурида Қатағон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этилди. Бу музейлар ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маърифатпарвар ва жасоратли аждодлар билан фахрланиш туйғусини шакллантириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари хиёбондаги рамзий қабр ёнида нуронийлар, уламо ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Фидойи ва ватанпарвар аждодларимизнинг ҳаёти ва меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштиришга катта эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, қут-бараканинг қадрига етиш, «дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ғояга амал қилиб, ҳамма соҳаларни ривожлантиришга интилиш, ёшларни дунёқараши кенг, ватанпарвар инсонлар қилиб вояга етказиш муҳимлиги таъкидланди.



Бугунги ёруғ ва дориломон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, омон-фаровонликнинг қадрига етиш ҳиссиёти барчага катта қувват бағишлайди, руҳиятни поклаб, янги-янги бунёдкорлик ишларига чорлайди. Зеро, озодлик учун курашган инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди, халқимиз қалбида мангу яшайди.

Шу куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар вакиллари ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйди.

**ЎзА**

# Мард ва олижаноб халқимизнинг боқий байрами

### “ЎЗБЕКИСТОН” ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИДА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАНТАНАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мустақиллик – халқимиз эришган энг улуғ, энг буюк неъмат. Ота-боболаримиз озодлик йўлида не-не оғир синовларни, машаққатларни босиб ўтган, жон олиб жон берган.



1991 йил 1 сентябрда Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши халқимиз учун оламшумул тарихий воқеа бўлди. Мустақиллик туфайли биз озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўйи-бастини бутун дунёга намоён қилмоқдамиз. Халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати боис Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳрати олам узра ёйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, истиқлол обод ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш учун беқиёс имкониятлар эшигини очди – нимагаки эришган бўлсак, ҳаммаси мустақиллик шарофатидандир.

Бугун халқимиз Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистоннинг янги тарихини яратмоқда. Ҳар жабҳада, ҳар бир ҳудудда олиб борилаётган ўзгаришлар мамлакатимизнинг халқаро сиёсий нуфузини ошириб, иқтисодиётини юксалтирмоқда, халқимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Ҳар йили Мустақиллик байрами тараққиёт йўлимизнинг янги босқичига ҳамоҳанг янги-янги марралар билан нишонланади. Бу йил бу марраларнинг кўлами янада кенг. Президентимиз қарорига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрамига қизғин тайёргарлик кўрилди. Қутлуғ санага бағишлаб ўтказилган тадбирлар “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” деган бош ғояни ўзида мужассам этгани ҳар бир юртдошимизни эзгуликка руҳлантирди. Барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва овулларда энг улуғ, энг азиз ушбу байрамни муносиб нишонлашга алоҳида эътибор қаратилди.

31 август. “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи. Парламент ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, турли соҳаларда фаолият юритаётган юртдошларимиз, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб ўтадиган байрам тантанасига йиғилган.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди. Давлатимиз раҳбари минбарга таклиф этилди. Президентимиз халқимизни Мустақиллик байрами билан муборакбод этиб, эзгу ниятларини изҳор қилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янгради. Йиғилганлар қўлларини кўксига қўйиб, мустақиллик қўшиғига жўр бўлди. Оҳанг оғушида бетакрор Ватан манзаралари, истиқлол тарихи лавҳаларда гавдаланди.

Мустақил Ўзбекистонимиз яна бир ёшга улғайди. Ушбу байрамни ҳар йили катта шоду хуррамлик билан кутиб оламиз. Мамлакатимиз сиёсий ва иқтисодий модернизация йўлида катта ютуқларга эришаётгани, замонавий давлатга айланганини, халқчил ислоҳотлар одамларда эртанги келажакка ишончни мустаҳкамлаётгани, эришган натижаларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан намуна сифатида кенг эътироф этилаётгани қувончимизни бир неча карра оширади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси асосидаги “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясига мувофиқ тарзда барча соҳалар янгиланмоқда, деб алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ислоҳ этиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ўзгаришлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир инсон ўз орзу-интилишларини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида Президент имзолаган «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармони давлатимиз юритаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи бўлди. Фармонга мувофиқ содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ва қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган фуқаролар афв этилди. Бу байрам кунлари кўплаб оилаларга қувонч олиб кирди.

Мамлакатимизда 2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили, деб эълон қилинди. Жорий йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш бўйича марралар қўйилган. Зеро, инвестициялар иқтисодиёт барқарорлигини оширади, янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига етакчи соҳаларни ривожлантиришни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида жорий йилдаги вазифаларнинг асосий йўналишларига тўхталиб, фаол инвестиция сиёсати изчил давом эттирилишини таъкидлади. Чунки инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш реал даромадларни ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини ўстириш, пировардида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кенг йўл очади.

Кўрилаётган ана шундай тизимли чора-тадбирлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 5,8 фоиз ўсди. Қарийб 86 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўп инвестициялар ўзлаштирилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, “Fitch Ratings” ва “Standart & Poor's” агентликлари биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгилади. “Барқарор” прогнозига эга бўлган бу рейтинг баҳолари Ўзбекистон эгаллаган поғона кўпгина ривожланаётган давлатларга нисбатан юқори эканини кўрсатади.

Халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, қишлоқларни обод қилиш изчил давом этмоқда. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари энг чекка ҳудудларга ҳам янгиланиш нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирди. Одамларда янада яхши яшашга иштиёқ, қишлоқда турмуш маданияти ошди.

Хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус уларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳар бир туманда хотин-қизлар учун иш ўринлари ташкил этилмоқда, ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва жисмонан чиниқишига шароит, маънавиятини бойитишга имконият яратилмоқда.

Бу жиҳатлар – хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳаётдан мамнунлиги ошиб бораётгани байрам томошасида турли тилларда янграган қўшиқлар, миллий-этнографик гуруҳларнинг чиқишларида ҳам яққол намоён бўлди.

Ўзбекистоннинг очиқлик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати ҳамкорларимиз сафини кенгайтирмоқда. Ривожланган давлатлар, дунёга донғи кетган банк ва компаниялар биз билан ҳамкорликка интилмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги янгича ёндашувлари Марказий Осиёда сиёсий вазиятни соғломлаштирди.

Энг муҳими, мустақиллик туфайли қўлга киритилган бундай ютуқ ва натижалар моҳияти ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгига етиб бормоқда, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтармоқда, янги, янада юксак марраларга илҳомлантирмоқда. Истиқлолнинг халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида тутган беқиёс ўрнини, ҳар биримиз учун қанчалик қадрли эканини яна бир карра намоён этмоқда, энг улуғ, энг азиз байрамимизга янада теран мазмун бағишламоқда.

Истиқлол йилларида бой тарихимиз ва маданий меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тиклангани, конфессиялараро ва миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар миллий ва умумбашарий қадриятлар билан уйғунлашиб, ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётгани ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади.

Байрам тантанасида истиқлолни, озод ва ҳур Ватанни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар янгради. Болаларнинг шўх чиқишлари барчага табассум улашди. Ҳарбийларимизнинг мардонавор овози дилларга кўчди. Жаҳон мумтоз мусиқаси намуналари бир олам завқ бағишлади.

Янграган куй-қўшиқлар диллардан дилларга кўчади, олис-олисларга таралади ва акс-садо беради – ҳар бир вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва овул истиқлолни нишонлайди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шукуҳли байрам тантаналари, халқ сайиллари давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**
**А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

---

## 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Бизнинг авлод Сибирь, сургун, шаҳид, деган сўзларнинг асл мазмунини ёши улуғ нуронийлардан эшитиб, улғайди.

Таълим муассасаларида устозлардан бу ҳақда олган сабоқларимизнинг нотўғри талқинга асосланганини, сургун сўзини эшитса ота-боболаримиз сесканиб кетиши... Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Исо Термизий каби буюк аждодларимиз китобларини қўшнисига ҳам кўрсатишдан чўчиб яшаганлари боисини анча кеч англаб етдик.

# Сургун қилинган Ҳайдарқул ҳожи ўтирган поезд юрмай қолгани ростми?

Болалигимда қишлоғимиз қарияларининг Сурхондарёда ҳам ўз даврининг илм-маърифатли кишилар қатағон қурбони бўлгани ҳақидаги гурунглари ва уларнинг бизга қизиқ туюлган аччиқ қисмати элас-элас хотирамда сақланиб қолган. Бу суҳбатларни жимгина ўтириб, гоҳ ҳаяжон, гоҳо ачиниш билан тинглаган биз болалар бу инсонларга дин пешвоси ёки тузумга қарши каби тамғалар қўйилгани сабабини тушунмас эдик.

Мактабга чиқиб, болаларча қизиқиш билан ўқитувчилардан сўрасак, айримлари бу мавзунинг сиёсий масала эканини айтиб, ўзидан соқит қилар, бошқаси эса бундай “афсона”ларга ишонмасликни тавсия этар эди. Ўша йилларда қишлоғимиз қариялари бир замонлар Шўрчи туманида яшаган Ҳайдарқул ҳожи ҳақида шундай гурунглар қилар эдики, ҳали ёш бўлсакда, ул зот билан боғлиқ баъзи воқеаларга ишонгимиз келмасди.

Бу гурунгларда ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари бошида сургунга ҳукм қилинган Ҳайдарқул бобонинг Денов темир йўл бекатидан поездга чиқарилгани ва поезднинг Хожа Алоуддин Аттор қабристони рўпарасига келгач, беихтиёр тўхтаб қолгани асосий мавзу бўлар эди. Қарангки, ўшанда паравозни юргизишга ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, эшелон жойидан силжимайди. Хайрабод бекатидан бошқа паравоз келтириб, улашса ҳам поезд юрмайди. Билгичларнинг гапи билан вагондан Ҳайдарқул ҳожини туширишгач ҳам эшелон жойидан қўзғалмайди. Шунда ҳожи бобо вагонда бир ковуши қолиб кетганини айтади. Ковуш олиб тушилгач, поезд ғизиллаб юриб кетади. Ҳожи бобони вагонга олиб чиқишгач, поезд яна юрмай қолади. Бу ҳол бир неча бор такрорланавергач, Ҳайдарқул ҳожини ўзи яшаган Денов туманидаги Гургак қишлоғига қайтаришган экан. Ҳожи бобо шу воқеадан сўнг беш йил ўтиб, бу дунёни тарк этади.

Ёшлигимизда афсона бўлиб туюлган бу воқеа қаҳрамони Шайх Ҳайдарқул ҳожи мулло Холмуҳаммад Қушбеги ўғли эканини мустақиллик шарофати билан билиб олдик.

Бойсун туманида яшаган Эшони Судур ҳақидаги ҳикояларни ҳам болалик йилларимизда кексалар айтиб берган. Олим, таниқли дин пешвоси бўлган ул зот адолатпарвар, кароматли улуғ инсон сифатида эл-юртга танилган. Ёшларга илм-маърифат улашган. Бироқ ўтган асрнинг йигирманчи йиллари ўрталарида мустабид тузум қурбони бўлган. Халқ душмани сифатида отиб ташланган.

Афсуски, ўтган асрнинг 20-50 йилларида амалга оширилган бу сиёсат 80-йилларнинг ўртасида яна қайтарилганига ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Кайвонилардан бевақт қурбон бўлган аждодларимиз тўғрисида эшитган маҳзун гурунглар мазмун-моҳиятини орадан йигирма йиллар ўтиб, истиқлолдан кейин англай бошладик. Кўплаб бегуноҳ юртдошларимиз эркин ва обод ҳаётни орзу қилгани учунгина мустабид тузум қурбонига айланганини билиб олдик. Ўтган асрнинг 20-30 йилларида диндор уламолар, зиёлилар турли айбловлар билан қатағон қурбонига айланган бўлса, кейинчалик маҳаллий раҳбарлар, шоир-ёзувчилар, маърифатпарвар ватандошларимиз қувғинга учрайди. 80-йилларнинг ўрталарида эса “пахта иши”, “ўзбеклар иши”, деган баҳоналар билан турли даражадаги раҳбарларга тўқима айблар қўйилди, ноҳақ қамалди.

Сариосиё туманидаги “Коммунизм” давлат хўжалиги бошлиғи, Меҳнат Қаҳрамони Бобомурод Омонов “ўзбеклар иши”нинг қурбони бўлган раҳбарлардан бири эди. 1986 йили ҳар хил бўҳтонлар билан ҳибсга олинган Б.Омонов ҳар қанча қийноқларга қарамай, ўзига қўйилган айбларнинг бирортасини тан олмаган. Орадан бир йилча вақт ўтиб, тергов жараёнида вафот этган.

Мамлакатимизда бир вақтлар “миллатчи”, “қўзғолончи”, “қулоқ”, “халқ душмани”, “ўзбеклар иши” сингари тўқима айбловлар билан сургун қилинган ёки шаҳид бўлган аждодларимиз ҳаёти, кечмишлари эндиликда чуқур ўрганилиб, халқимизнинг мустабид тузум даврида чеккан азоб-уқубатлари рўйрост талқин этилмоқда. Бу ишлар ўтмишда қатағон қурбони бўлган аждодларни, тарихимизни ўрганиш баробарида ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

---

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлик, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаклари билдирилган.

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари!

Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон халқига энг самимий табрикларимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Биз халқаро ҳамкорлик ҳар қачонгидан-да зарур бўлган мураккаб даврда яшамоқдамиз. Биз, халқлар, тинчлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида виждонан бирлашсак, бундан бутун дунё ютади.

Ушбу байрам арафасида мамлакатингиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотини мустаҳкамлашга кўмаклашиш ҳамда барча учун ёрқин келажакка эришиш борасидаги умумий саъй-ҳаракатларимизни илгари суришда фаол иштирок этади, деган умиддаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Антониу ГУТЕРРИШ,**
**БМТ Бош котиби**

* * *

*Шунингдек, қуйидагилар ўз қутловларини йўллаган:*

Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**
Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**
Америка Қўшма Штатлари Президенти **Дональд Трамп**
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири **Нарендра Моди**
Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши **Нурсултон Назарбоев**
Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**
Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимуҳамедов**
Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**
Қирғизистон Республикаси Президенти **Сооронбай Жээнбеков**
Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**
Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**
Украина Президенти **Владимир Зеленский**
Молдова Республикаси Президенти **Игорь Додон**
Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян**
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси **Елизавета Иккинчи**
Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер**
Франция Республикаси Президенти **Эммануэль Макрон**
Италия Республикаси Президенти **Сержо Маттарелла**
Испания Қироли **Филипп VI**
Бельгияликлар Қироли **Филипп**
Австрия Республикаси Федерал Президенти **Александр Ван дер Беллен**
Болгария Республикаси Президенти **Румен Радев**
Венгрия Президенти **Янош Адер**
Португалия Республикаси Президенти **Марсело Ребело де Соуза**
Руминия Президенти **Клаус Вернер Йоханнис**
Словакия Республикаси Президенти **Зузана Чапутова**
Чехия Республикаси Президенти **Милош Земан**
Швейцария Конфедерацияси Президенти **Ули Маурер**
Япония Императори **Нарухито**
Сингапур Республикаси Президенти **Халима Якуб**
Индонезия Республикаси Президенти **Жоко Видодо**
Малайзия Подшоҳи **Ал Султон Абдуллоҳ II Риаятуддин ал-Мустафо Биллоҳ Шоҳ**
Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла Иккинчи**
Ҳиндистон Республикаси Президенти **Рам Натҳ Ковинд**
Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдўғон**
Покистон Ислом Республикаси Президенти **Ориф Алвий**
Покистон Ислом Республикаси Бош вазири **Имрон Хон**
Эрон Ислом Республикаси Президенти **Ҳасан Руҳоний**
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**
Жазоир Халқ Демократик Республикаси муваққат Президенти **Абдулқодир ибн Салоҳ**
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти **Абдул Ҳамид**
Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири **Шайх Ҳасина**
Фаластин Президенти **Маҳмуд Аббос**
Афғонистон Ислом Республикаси Бош вазири **Абдулла Абдулла**
Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, мудофаа вазири **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**
Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**
Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**
БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори **Цюй Дунъюй**
Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби **Кунио Микурия**
Ислом ҳамкорлиги ташкилоти бош котиби **Юсуф ал-Усаймин**
Рим-католик черкови раҳбари **Папа Франциск**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

# Ёшлар — янгиланаётган Ўзбекистоннинг бунёдкор кучи

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари бизга, жумладан, барча катта-кичик раҳбарларга қайта-қайта "халқ орасига киринг, уларнинг дардига малҳам бўлинг, муаммосига ечим топинг, токи халқ келажакдан эмас, бугундан рози бўлиб яшасин", дея мурожаат қилмоқда. Шунингдек, сиёсий партиялар демократик жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши кераклигини бот-бот уқтирмоқда. Бу мурожаатлар, уқтиришлар бежизга эмас, албатта. Чунки кеча, ўтган куни халқнинг айрим раҳбарлардан, ўзи сайлаган, ўзи ишонган депутатларидан кўнгли қолган эди. Уларга бўлган ишончи йўқолган эди. Демак, биз, энг аввало, йўқолган ишончни тиклашимиз, бизга ишониб овоз берган, дастурларимизга ишониб электоратимиз сафидан жой олган юртдошларимизни рози қилишимиз, ишончини оқлашимиз керак бўлади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кейинги икки-уч йилда сиёсий партиялар демократик жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айлана бошлади. Жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган туб ислоҳотларда фаол қатнашиб, халқчил дастурий ғоя-мақсадларини изчил амалга оширишга ҳаракат қилиб келмоқда. Зеро, бугунги тараққиёт ҳар бир юртдошимиздан ташаббускорлик руҳида ишлаш, янгича фикрлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишини мақсад қилган партиямиз ўз фаолиятига ана шу нуқтаи назардан ёндашиб иш олиб бормоқда.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, тараққиётимизнинг янги босқичида мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятига доир қонун ҳужжатлари такомиллашиб, бу борада бир қатор янги имкониятлар яратилганлиги демократик ислоҳотлар жараёнида ўз ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, парламентнинг жамоатчилик назоратидаги ўрни ошди. Буни барча даражадаги ҳукумат раҳбарлари (Бош вазирдан тортиб, турли соҳа вазирлари, маҳаллий Кенгашларда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари) парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатларига ҳисобот бера бошлагани ва ҳукумат соати институти жорий этилганлиги мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Эътиборлиси, парламент назоратининг ушбу янги механизмлари депутатлар томонидан жойида аниқланган муаммоларни ижро ҳокимияти олдига қўйиш имкониятини берди. Хусусан, ўтган давр мобайнида "Ҳукумат соати"га партиямиз фракцияси ташаббуси билан бир қатор долзарб масалалар киритилди. Жумладан, фракция аъзолари томонидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигида кластерлар ташкил этиш, ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатланиш каби масалалар киритилди.

Шунингдек, бир қатор вазирлик ва идораларга "Баркамол авлод" марказлари фаолиятини давр талаби даражасида йўлга қўйиш, айниқса, умумий ўрта таълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, дарсликлар сифати масалалари каби бугунги кунимизнинг ўта муҳим ва долзарб масалалари юзасидан парламент сўровлари юборилди.

Албатта, шу ўринда газетхонларда партия ташаббуси билан яна қандай ишлар амалга оширилаяпти, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Келинг, ана шу саволга ҳам жавоб бериб ўтайлик. Хўш, бугун сизнинг назарингизда мамлакат тараққиётига, унинг дунё ҳамжамияти орасидаги мавқеига соя ташлаётган энг асосий иллат нима? Шубҳасиз, худди сиз ўйлаганингиздек, бу иллат — КОРРУПЦИЯ!

Хўш, жамият тараққиётининг асосий кушандаси ҳисобланмиш бу иллатни йўқотиш учун нима қилмоқ керак?!

Шубҳасиз, бу иллатга қарши курашишда мамлакатда қонун устуворлигига эришиш, халқ учун барча даражадаги идораларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш зарур. Шу мақсадда партиянинг "Адолат — қонун устуворлигида" лойиҳаси доирасида барча даражадаги депутатлик корпуслари иштирокида жойларда қонунларнинг ижросини ўрганиш йўлга қўйилди. Бу борада мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича мутасадди давлат органларига таклифлар киритилиб, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган амалий ишлар давом эттирилмоқда. Чунки ҳар қандай жамият ёки давлатда қонун устувор бўлсагина, коррупция аталмиш чирмовуқ таг-томири билан қурийди. Бунинг учун жамоатчилик назоратини кенгайтиришимиз, ҳар бир фуқаронинг бу иллатга нисбатан кескин муносабатини шакллантиришимиз лозим. Ушбу мақсадни амалга ошириш жараёнида фарзандларимизни коррупция иллатига қарши курашишга ўргатишимиз, бунинг учун қўлланмалар яратиб, ҳар бир муассасада тарбиявий таълимни амалга оширишимиз керак. Акс ҳолда кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз.

Лойиҳа доирасида ишчи гуруҳлар томонидан республикамиз бўйича жами 1485 та маҳалладаги 25330 та хонадон ва 980 та хўжалик юритувчи субъектга ташриф буюрилди. Ушбу учрашувлар мобайнида аҳоли томонидан 1280 та мурожаат келиб тушди. Улар юзасидан масъул ташкилотларга 360 та депутатлик сўрови юборилиб, 80 тасида қайд этилган масалалар ижобий ечим топишига эришилди. 900 та мурожаат жойида ҳуқуқий маслаҳатлар бериш орқали ҳал этилди. Таъкидлаб ўтиш керакки, партиямизнинг "Адолат — қонун устуворлигида" лойиҳасидан кўзланган мақсад — ҳар қандай кўринишдаги коррупция илдизига болта уришдир.

Маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларимиз ҳам янги тизим асосида ишлашга ўтди. Партия депутатлари томонидан маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссияларга киритилган масалалар сони тубдан ошди. Жумладан, 2017 йил давомида доимий комиссияларга 254 масала киритилган бўлса, 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида ушбу кўрсаткич 280 тани ташкил этди. Халқ депутатлари ҳудудий Кенгаш сессияларига масала киритишда ҳам депутатларимиз фаоллик кўрсатишмоқда. Сессияларда илгари сурилаётган масалаларнинг аксарияти Сайловолди дастуримиздан келиб чиққан ҳолда таълим, тиббиёт, мактабгача таълим тизимида аниқланган муаммоларни бартараф этишга қаратилмоқда.

Партия ташаббуслари халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши ҳар бир сафдошимизга куч бағишлайди, албатта. Шу маънода "Бор меҳримиз сенга, болажон!" шиори остидаги ўтказилган беғараз донорлик акциясини алоҳида келтириб ўтиш жоиз. Турли касаллик ёки бахтсиз ҳодиса туфайли қонга муҳтож бўлган бемор болажонларга ҳаёт бағишлаш ва уларнинг соғайиб кетишларига ҳисса қўшиш мақсадида партиямиз ташаббуси билан йилига икки марта донорлик акцияси ўтказиш анъанага айланди. "Бор меҳримиз сенга, болажон!" шиори остида ўтказилган беғараз донорлик акцияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида уюшқоқлик билан ташкил этилди. Хайрия ишида 1500 дан ортиқ кўнгилли юртдошларимиз иштирок этиб, 981 нафар донор қон топширди. Натижада 1962 нафар бемор болажонлар саломатлиги учун зарур бўлган 392 литр тириклик манбаи тўпланди.

Ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш, уларга муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш мақсадида партиянинг барча шаҳар, туман кенгашлари томонидан амалиётга йўналтирилган "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси ҳам кўплаб фуқароларда партиямизга хайрихоҳлик уйғотди. Ушбу лойиҳа доирасида амалга оширилган бир қатор ишлар бандликни таъминлашга ҳисса қўшиш орқали инсон манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Жумладан, лойиҳа доирасида жами 647 нафар аёллар ва ёшлар ишга жойлаштирилди. 35 нафар ёшларга тадбиркорликни йўлга қўйиш учун кредит олишга кўмаклашилди, 10 нафар аёллар туман Бандликка кўмаклашиш маркази орқали тикувчилик йўналиши бўйича қайта тайёрлов курсларига юборилди.

Таъбир жоиз бўлса айтиб ўтиш лозимки, йилдан-йилга дастурий ғояларимизга нисбатан халқнинг ишончи ортиб бормоқда, амалий ишларимиз инсонларда қониқиш ҳосил қилмоқда. Буни сафдошларимиз салмоғи ошиб бораётганида ҳам кўришимиз мумкин. 2016 йилда партия аъзолари сони 157 222 нафар бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 383 957 нафарни ташкил қилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтишни истардимки, биз бу рақамлар билан мақтанмоқчи эмасмиз. Чунки ҳали қилаётган ишимиз, аъзоларимиз сонидан ўзимизнинг ҳам кўнглимиз тўлгани йўқ. Лекин сайловлар йилида режаларимиз бисёр. Янги тайёрланаётган Сайловолди ва Сиёсий дастуримизда асосий эътиборимизни ёшларга қаратаяпмиз. Бу борадаги муаммоларни ҳал қилишда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Соғлиқни сақлаш, Олий таълим, Халқ таълими ва Мактабгача таълим вазирликлари билан янада яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Агар биз келажаги буюк, дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан бўйлашадиган, улар билан тенгма-тенг тиллашадиган давлат қурмоқчи эканмиз, асосий эътиборимизни ёшларимизнинг таълим-тарбиясига қаратишимиз зарур ва шарт. Зеро, ёшлар янгиланаётган Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминловчи бунёдкор кучдир!

**Наримон УМАРОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси,**
**Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари**

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Жорий йилнинг 26 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар, партия экспертлари ва фаоллари, тегишли вазирлик, идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил I ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди.

# Таълим, тиббиёт ва йўл қурилиши соҳаларида

## ажратилган маблағлар нега тўлиқ сарфланмаяпти?

Ҳисоботда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан олиб борилган ислоҳотлар натижасида ўтган даврда иқтисодиётни барқарор, мувозанатлаштирилган ҳолда ривожлантириш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди. Натижада, 2019 йилнинг I ярим йиллик якунига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти қарийб 222,0 триллион сўмни ташкил этган ҳолда, ўтган йилга нисбатан 5,8 фоизга ўсди.

Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари ҳисобот даврида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилгани сақлаб қолинганини эътироф этган ҳолда асосий эътиборни ижтимоий соҳаларда амалга оширилган ишларга қаратдилар. Хусусан, ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 30 060,9 миллиард сўм ёки умумий харажатларнинг 54,4 фоизи миқдорида маблағ сарфланди.

Ҳисобот даврида таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим жараёни даражаси ҳамда сифатини такомиллаштиришга қаратилган таълим стандартлари ва дастурларини мукаммаллаштириш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ходимларининг нуфузи ва иш ҳақларини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярмида мактабгача таълим муассасалари учун Давлат бюджетидан 2,2 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан икки баравар кўп маблағ ажратилганлиги қайд қилинди. Партия депутатлари бугунги кунда республикамизда мактабгача таълим муассасалари томонидан болаларнинг қамраб олиниши 40,5 фоизни ташкил этаётгани соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси эканини айтиб ўтишди.

Бунда алоҳида эътиборни чекка ҳудудларга қаратиш, давлат-хусусий шерикликни кучайтириш, мавжуд мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда сифатли таълим-тарбия бериш орқали болаларни мактабга ҳар томонлама етук, фаол қилиб тайёрлаш ҳақида фикр юритилди.

Фракция аъзолари ижтимоий харажатларнинг асосий қисми ёки 54,5 фоизи таълим тизимига йўналтирилганлигига, шу мақсадда Давлат бюджетидан ажратилган маблағларга алоҳида эътибор қаратишди. Ҳисобот даври учун соҳага ажратилган 17,4 триллион сўм маблағдан 16,3 миллиард сўмлик маблағ сарфланган ёки белгиланган режа 94 фоизга бажарилган.

Аммо депутатларнинг ҳудудлардаги ўрганишларида аниқланганидек, таълимни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда кўп ҳолларда маблағ етишмаслиги сабабли белгиланган вазифалар бажарилмасдан қолаётган ҳолатлар учрамоқда. Лекин мактабгача таълим, умумтаълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига ҳамда таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ажратилган бюджет маблағларининг қарийб 1,5 триллион сўми белгиланган мақсадларда ўзлаштирилиши таъминланмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Шунингдек, йиғилишда соғлиқни сақлаш соҳаси учун Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар миқдори 6 630,9 миллиард сўмни ёки ижтимоий харажатларга ажратилган маблағларнинг 22,1 фоизини ташкил этганлиги, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 58,7 фоизга ўсгани эътироф этилди.

Депутатларда ушбу соҳага ажратилган маблағлар харажати 93,8 фоизга уддаланиб, режага нисбатан 440 миллиард сўмлик маблағлар харажат қилинмай қолганлиги ҳам эътироз уйғотди. Фракция аъзолари бюджетдан ажратилган маблағларни ўзлаштирилмаслик сабаблари ўтган йилги бюджет ижросида ҳам кузатилганини танқидий баҳоладилар.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга доир ислоҳотларни амалга оширишда, хусусан, барча ҳудудларда шаҳар ва туман намунавий бирлашмаларини ташкил қилишда учраётган муаммолар кўп ҳолларда маблағ етишмаслиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шунга қарамасдан, соҳада маблағларнинг тизимли равишда ўз вақтида сарфланмаслик ҳолатлари давом этиб келаётганини мутасадди вазирликлар томонидан танқидий кўриб чиқиш ва сабаблар аниқланиб, фракцияга ахборот тақдим этилиши лозимлиги қайд этилди.

Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида маблағларни ўзлаштирмаслик ҳолатлари доимий давом этиб келаётгани депутатлар эътирозига сабаб бўлди. Йиғилишда фракция аъзолари ушбу соҳа уларнинг доимий назоратида эканини ҳам таъкидалб ўтишди.

Яна бир долзарб масала ўз ечимини кутмоқда. Яъни бугунги кунда аҳолидан, айниқса, қишлоқ аҳолисидан ҳудудлардаги мавжуд автомобиль йўллари қониқарсиз ҳолатда эканлиги юзасидан депутатларга кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Қишлоқ жойларида мавжуд йўлларни таъмирлаш, янгидан қуриш вазифасини ҳал этиш долзарблигича қолмоқда.

Бироқ ҳисобот даврида автомобиль йўлларини таъмирлаш, янгидан қуриш ишларига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар харажати 78,9 фоизга бажарилиб, режага нисбатан 591,9 миллиард сўмлик маблағлар сарфланмасдан қолган. Депутатлар ушбу масалада ҳам мутасаддилардан изоҳ талаб қилиб, Давлат бюджетидан ажратилган тайёр маблағларнинг ўз вақтида сарфланмаслик ҳолатларини олиб борилаётган ислоҳотларга тўсиқ сифатида баҳолашди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари "Адолат" СДПнинг дастурий мақсадлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар ҳамда ҳисобот давридаги Давлат бюджетининг ижросини маъқулладилар.

**Анвар ЭГАМҚУЛОВ,**
**журналист**

ДАВРА СУҲБАТИ

Мустақиллик — буюк неъмат, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Албатта, мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда Ватан ҳимоячиларнинг ўрни беқиёс. Зеро, улар халқимизнинг тинчлик-осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги учун туну кун фидойилик кўрсатадилар.

# Ватан ҳимояси ишончли қўлларда



Республикамизнинг ҳарбий салоҳиятини тубдан янгилашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда. Профессионал армиямиз сафларини малакали ҳарбий кадрлар билан мунтазам тўлдириб бориш борасида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти муҳим таълим муассасаларидан бири саналади. Мазкур билим юртида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» шиори остида давра суҳбати ташкил этилди.



Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистонда кейинги уч йил ичида кўпгина соҳалар қатори мудофаа соҳаси — Қуролли Кучлар тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди.

Жумладан, Президентимизнинг ташаббуси билан ҳаётимизга самарали татбиқ этилаётган Ҳаракатлар стратегияси негизида жаҳондаги ва минтақадаги мавжуд вазиятнинг ривожланиш динамикасини, шунингдек, устувор вазифа ва имкониятларимизни ҳисобга олиб, давлат тизимида стратегик режалаштириш бўйича улкан аҳамиятга, янгиланган ва очиқ хусусиятга эга бўлган Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

Натижада республикамиз Қуролли Кучларининг жанговар шайлиги ва тайёргарлиги даражаси янги сифат босқичига кўтарилди, ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорлик миқёси, ўзаро ишонч ва ўзаро тажриба алмашиш кенгайди. Кадрлар тайёрлаш тизими тубдан янгиланди. Жойларда ҳарбий-маъмурий секторлар жорий этилди. Моддий-техник база янгиланди, замонавий қуроллар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси борасида ва энг муҳими, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси тизими юксак поғонага олиб чиқилди. Ҳарбий хизматчилар касби чинакам шарафли касбга айланди.

Мамлакатимиз тарихида илк бор очиқ хусусиятга эга бўлган Мудофаа доктринаси 2018 йилда қабул қилиниб, ҳарбий соҳада Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашга доир принциплар ва ёндашувларни бутун дунёга эълон қилди.

Шунингдек, яқинда Қонунчилик палатаси томонидан янги таҳрирдаги "Мудофаа тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ҳаётимизга самарали татбиқ этилаётган Ҳаракатлар стратегияси негизида янгиланган Мудофаа доктринасига ҳамоҳанг тарзда, 1992 йил 3 июлда қабул қилинган"Мудофаа тўғрисида"-ги қонуннинг янги таҳририни яратиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасининг чора-тадбирлар режасида белгиланган эди.

Давра суҳбатида ушбу қонуннинг мазмун-моҳиятини, аввало, ҳарбий хизматчиларга ҳамда халқимизга, ёшларга етказиш лозимлиги, бунда парламент вакиллари Мудофаа вазирлиги мутасаддилари билан биргаликда ҳарбий қисм ва муассасаларда тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Билим юртининг ҳарбий ўқув майдонида намойиш этилган кўргазмали чиқишлар тадбир иштирокчиларига янада кўтаринкилик бағишлади.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
**Матбуот хизмати**

# ДАСТУРДА ҳаёт акс этсин!

Маълумки, Республика мақсадли китоб жамғармаси (РМКЖ) томонидан ҳар йили мактаб ўқувчиларига ижара шартномаси асосида дарсликлар етказиб берилади. Ҳар бир оиланинг икки-уч ёки ундан зиёд фарзанди мактабда ўқийди. Ота-она фарзандлари мактабда ўқиши учун бошқа кўплаб харажатларни амалга оширади (кийим-кечак, ўқув қуроллари, йўл кира ва ҳакозо). Оилада бир неча фарзанднинг дарслик китоблари ижараси учун бу харажатларга яна 60-120 минг сўм атрофидаги чиқим қўшилади. Маълумотларда келтирилишича, ҳар бир ўқувчи дарсликлар ижараси учун бир йилга 13-40 минг сўм атрофида пул тўлайди. Аммо ҳамманинг шароити ҳар хил, ушбу маблағни тўлай олмайдиган оилалар ҳам бор.

## Дарслик учун тўлов — Конституцияга зид



**Фаррух АБДУҲАМИДОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати масъул ходими**

Яқинда "Ўзбекистон" телеканалида сиёсий партиялар вакиллари билан ўтказилган телемулоқотда ҳам шу хусусида фикр-мулоҳазалар айтиб ўтилди. Жумладан, "Жамият" газетасининг интернетдаги сайтига келган мурожаатлардан бирида наманганлик ўқувчи қиз ўзи ва укаси дарсликлар ижараси учун зарур маблағни тўлай олмаганлиги, агар бу йил китоб ижарасига тўлов қилиб мактаб дарсликларини олмаса, ўзи ва укаси қайтадан биринчи синфга чиқиши керак эканлигини таъкидлади. Ҳаётда бундай мисоллар яна борлиги табиий ҳол, албатта.

Таъкидлаш жоизки, Конституциямизнинг 41-моддасида **"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир"**, деб белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, мактабларга тарқатиладиган дарсликлар ўқувчиларга бепул берилиши керак. Жуда бўлмаганда эҳтиёжманд оилалар фарзандларини дарслик учун ижара тўловидан озод қилиш даркор, десак ҳам бошқалар пул тўлаши кераклиги Асосий қонунимиздаги қоидага тўғри келмайди.

Таълимга ажратилган сармоя келажакка ажратилган сармоядир. Бу маблағ келгусида бир неча баравар кўпайиб қайтади ва мамлакат тараққиётига хизмат қилади. Ҳар бир оила фарзандларининг яхши билим олиши кўп ҳолларда уларнинг кучли ижтимоий ҳимояланишига ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Мактаб таълимини ривожлантириш, ўқитиш ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш масаласи партиямизнинг дастурий вазифаларидан бири саналади. Дарсликларнинг сифати, ушбу китобларда аниқланган хатоликлар юзасидан партия экспертлари ўтказган ўрганишлар ҳам ана шу мақсадга қаратилган эди.

Педагоглар, зиёлилар партиямиз электоратида кўпчиликни ташкил этади. **Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши педагогларнинг ҳам манфаатига хизмат қилади. Демак, мактаб дарсликларидан фойдаланишда ўқувчиларнинг конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқариш, мазкур китоблар бепул берилишини таъминлашга эришиш** партиямизнинг янги дастурларида ўз ифодасини топиши керак ва шарт.

## Квота бекор қилинса...



**Мадаминжон МАДАЗИМОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши раиси**

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастури лойиҳаси ечимини кутаётган қатор масалалар ва жамият ривожи билан боғлиқ таклифлар билан бойитилаётганини қўллаб-қувватлайман.

Шу ўринда малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган ислоҳотларни янада ривожлантириш зарур, деб биламан. Тўғри, кейинги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда. Ёшларда илм олишга, олий маълумотли бўлишга интилиш кучаймоқда.

Албатта, масаланинг яна бир томони бор. Олий ўқув даргоҳларига қабул борасида ҳамон чекловнинг (квота) мавжудлиги илмга чанқоқ кўпчилик йигит-қизларнинг ўзлари танлаган касб эгаси бўлишига маълум маънода тўсиқ бўлаяпти. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, бугун бу чеклов тўғри эмаслигини инкор этиш қийин.

Қабул масаласида олий ўқув юртларига эркинлик берилаётгани ўринли бўлаяпти. Ҳар бир олий ўқув юртида имкониятдан келиб чиққан ҳолда ўқишга қабул ташкил этилиши хорижий давлатларда ўзини оқлаган. Бугун биз ҳам шу илғор тажрибадан фойдаланиб, уни амалиётда қўллашимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, бундай ўзгариш олий ўқув юртига киришни бирмунча енгиллаштиради. Бироқ ўқиш жараёнида талабни кескин ошириш керак. Белгиланган тартиб бўйича ўзлаштира олмаган талаба сафдан чиқарилиши ёки тўлов асосида кейинги йил яна қайтадан ўқиши лозим. Бу ёшларни ўз устида ишлашга, олдинга интилишга, илм олишга ундайди.

Шу ўринда яна бир масала. Кейинги вақтларда ўқишга кира олмаган кўпчилик абитуриентлар МДҲ давлатларидаги у қадар нуфузи бўлмаган олий ўқув юртларига сухбат билан контракт асосида ўқишга кирмоқдалар. Бу билан қанчадан-қанча валюта маблағлари четга чиқиб кетмоқда. Яна бир томони, икки-уч йил ичида ана шу талабалар ўқишни Ўзбекистонга кўчирмоқда. Бу эса таълим сифатига салбий таъсир кўрсатаяпти.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари томонидан юқоридаги масала кўтарилса, бу билан жамият ривожига ҳисса қўшамиз. Шу ўринда партиямиз нашри — **"Адолат" газетаси саҳифаларида ёшларнинг олий таълим олиши борасида ечимини кутаётган масалаларга доир билдирилган таклифларни қўллаб-қувватлашимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман.**

Бир нарса аён, малакали кадрлар ҳамма вақт ҳам жамиятнинг таянчи ҳисобланади. Барча соҳалар тараққиёти ҳар бир тармоқнинг етук мутахассислар билан таъминланишига узвий боғлиқдир.

## Даромадлар декларацияси амалдорларнинг яқин қариндошларига ҳам қўлланиши керак

Шу кунларда энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётган масалалардан бири, шубҳасиз, коррупция муаммосидир. Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгашида ҳам шу мавзуда йиғилиш ўтказилди. Унда партиядошларимиз мамлакатимизда коррупция иллатининг олдини олиш борасида нималар қилиш кераклиги, бу борада партиямиз олдида турган вазифалар ҳақида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.

**Исроил ЖЎРАЕВ,**
**"Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси:**

— Мамлакатимизда 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури амалга оширилмоқда. Бироқ очиғини айтганда, ҳали қониқарли натижаларга эришилгани йўқ. Назаримда, коррупцияда айбдор деб топилганларга жиноий жавобгарликни кучайтириш керак. Катта жиноятлар қила туриб, енгил жазо олган шахслар бошқаларнинг фикрига салбий таъсир қилиши мумкин.

Жиноятга яраша жазо муқаррарлигига, айниқса, мансабдор шахслар ишониши лозим. Шундагина коррупцияга қўл урадиганлар камаяди.

**Зиёдбек МАҲКАМОВ,**
**вилоят партия кенгаши ижрочи котиби:**

— Анчадан бери давлат хизматчиларининг ўз даромадлари ҳақида декларация тақдим этишлари масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Мен бунга уларнинг яқин қариндошларини ҳам қўшишни таклиф қилардим. Лекин бу борада ҳали аниқ ҳаракатлар дастури йўқ. Қолаверса, "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ва бу ҳужжатда мансабдор шахсларнинг ваколатлари ва жавобгарлиги аниқ акс эттирилиши зарур.

**Ёрқиной ҲОЖИМАТОВА,**
**вилоят партия кенгашининг етакчи мутахассиси:**

— Коррупцияга қарши курашни ҳамма ерда олиб бориш керак. Бунинг учун фуқароларимиз етарли даражада ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши талаб этилади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, фарзандингиз ёки набирангиз болалар боғчасига қатнайди. 8 март арафасида ота-оналардан бири тарбиячиларга совға бериш кераклигини эслатади. "Сиз ўзингиз совға қиласизми ёки пул йиғишга қўшиласизми?" деб сўраб ҳам қўйишади. Бу жараён боланинг кўз ўнгида рўй беради. У ҳаётда шундай бўларкан-да, деган хаёлга боради. Кейинчалик бундай ҳолат мактаб ва олий ўқув юртларига кўчиб ўтади. Яъни одатий ҳолга айланади. Ҳеч ким ўқитувчи ёки тарбиячи, энага ўз меҳнати учун маош олишини, бу ўринда совға сўзи порани англатишини ўйламайди. Шундай қилиб, кичик муаммо катталашиб бораверади...

Иштирокчилар мазкур таклифлар партиямизнинг янги дастурларида ўз аксини топиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби**

## Сифати "аччиқ" ширинликлар сотилмаслиги шарт

Юртимизда бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш юзасидан устувор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда дўконларимизда сифат жиҳатидан сертификатланган маҳсулотлар сотувда эканидан харидорлар мамнун.

Аммо айрим "тадбиркорлар" томонидан сифатсиз маҳсулотларни четдан олиб кириб, уларни ички истеъмол бозорларида сотиш ҳолатлари учраб турибди. Айниқса, мазкур маҳсулотлар савдоси умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасалари атрофида амалга оширилса, бу ҳол ташвишланарли кўриниш олади.

Дейлик, дўкон ёки савдо растаси йўқ жойда стол қўйиб, боланинг эътиборини ўзига жалб қиладиган ўрамларда ҳар хил ширинликлар, қандолат маҳсулотларини қуёш тиғида, чангда, очиқ ҳолда сотиб ўтирган "тадбиркор"ларни ҳар куни кўрамиз. Боғча боласи унинг ёнидан бепарво ўтиб кетмайди, албатта. Ота-онасига инжиқлик қилиб бўлса ҳам ширинлик олиб беришга кўндиради. Мактаб атрофида бундай "тадбиркорлар"нинг бозори чаққон бўлиб қолган ҳолатларни айтмасликнинг иложи йўқ.

Демак, жойлардаги мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактаблари атрофида махсус рухсати бўлмаган озиқ-овқат, ширинликлар, қандолат маҳсулотлари сотилишига барҳам бериш керак. Уй шароитида тайёрланган (қачон тайёрланганлиги номаълум) сомса, ширинлик, салат каби егуликларнинг сифат жиҳатидан белгиланган талабларга жавоб бермаслиги бир қарашдаёқ яққол кўринади. Сифатсиз егуликнинг бола соғлиғига хавф туғдирмаслигига ким кафолат бера олади?

Юртимиз фарзандларининг соғлиғини муҳофаза қилиш масаласи Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий мақсадлари сирасига киради. Шу маънода партиянинг янги дастурида сифатсиз маҳсулотлар савдосига барҳам бериш, айниқса, таълим-тарбия даргоҳлари атрофида озиқ-овқат маҳсулотлари сотишни тартибга солиш юзасидан назорат ўрнатиш вазифаси белгиланса, деймиз. Бу орқали юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олди олинарди.



**Дилфуза ЖЎРАЕВА, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоли**




## ЯНГИ ЛОЙИҲА

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг янги Сайловолди дастурини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикри ўрганилиб, турли соҳа вакилларидан таклифлар жамланмоқда. Халқимиз ўз нуқтаи назари ва истакларини бизга етказиб, партия дастурининг ҳаммуаллифига айланмоқда. Юртдошларимизнинг фикр ва таклифларини ўрганиш ва уларни рўёбга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз давом этмоқда.

## Халқ вакилини халқ ичидан излаймиз

Айни пайтда жойларда бу йил ўтказиладиган сайловлар учун номзодлар захирасини шакллантириш жараёни кечмоқда. Бу борада ҳам, аввало, халқимизнинг хоҳиш-истаги биз учун энг муҳим саналади. Қай бир юртдошимиз ўзини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ёки халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутати мақомига лойиқ деб билса, ўзини сиёсий жараёнга киришишга тайёр ҳисобласа, бирга қадам ташлашга шаймиз.

Депутат бўлишни хоҳлайсизми? Унда партия номзодлари захирасидан жой олган кадрлар қаторига қўшилинг. Бу йилги сайловларда нафақат сайловчи, балки номзод сифатида сиёсий фаоллик кўрсатиш имкониятига эгасиз. Биз сиздан ғолибликни кутамиз ва бирга курашамиз!

Сайлов кодексига мувофиқ номзодга қўйилувчи талаблар билан танишинг ва ўзингиз ҳақингизда маълумотларни тақдим этинг. Номзодликка захиралар партия Сиёсий Кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва муносиб топилганлари номзод сифатида илгари сурилади. Имкониятни қўлдан бой берманг! Бугунги сайловчи эртага депутатга айланиши мумкин!

**Эслатма:** "Онлайн номзод" лойиҳаси доирасида аризалар 26 августдан 15 сентябргача қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига биноан қуйидаги шахслар сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзод сифатида кўрсатилиши мумкин.

**Сайлов кодексининг 71-моддаси:** Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга қўйиладиган талаблар

Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадир.

Қуйидагилар:

*— содир этилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;*

*— сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;*

*— Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;*

*— диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди.*

**Кодекснинг 90-моддаси:** маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларга қўйиладиган талаблар.

Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланиш ҳуқуқига эга.

Қуйидагилар:

*— содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;*

*— сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;*

*— Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;*

*— диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди.*

Судьялар, прокуратура органларининг ва ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахслари (бундан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари мустасно) депутат этиб сайланган тақдирда, эгаллаб турган лавозимидан бўшаш тўғрисида ариза бериш шарти билан маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинади.

Мурожаат учун телефон: 71-288-42-04 (ички: 110)
Электрон почта: adolat_info@mail.ru.
t.me/adolat_uz
instagram.com/adolat_sdp/ facebook.com/sdpu.adolat/
twitter.com/AdolatSDP
**Координатор: (С.Эргашев) 97-411-87-79**

## МАЪНАВИЯТ – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Андиша. Бир олам маънони ўзида мужассамлаштирган ҳолда, хокисорлигу камтарлик, одобу ҳаё, улуғворлик ва донишмандлик ифодасини топган.

Туркий тилимиздаги барча сўзларнинг мазмун-моҳиятида Ҳаё ва Андишага мойиллик бор. Баъзи бир қўпол сўзларни беҳаё ва андишасиз кимсалар тиниқ сувни лойқалатиш учун атайлаб тилимизга қўшишган гўё. Ўз умрлари давомида уларни билмай ва тилу забонига яқинлаштирмай яшаган инсонлар Ҳаё ва Андишанинг, миллат тилининг чинакам посбонларидирлар.

# Андиша боғи




Миллат руҳиятига, илму идрок дунёсига ёру мададкор Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" ҳамда Аҳмад Югнакийнинг "Ҳақиқатлар армуғони" асарлари ҳам айнан Ҳаё ва Андиша билан безанган. Шу сабабли ҳам улар туркий халқларнинг маънавий дурдоналари сифатида дунёда маълум ва машҳур.

Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳи хонақосининг тоқига мутафаккир шоирнинг ўлмас рубоийлари битилган. Улардаги андиша ва ҳаё ҳақидаги фикрлар инсоний эътиқодни юксакка кўтариб туради. Ушбу рубоий сатри эса бевосита андишага бағишланган.

***Андишани сен ўзингга кор айлагайсан...***

Бу улуғ аждодимизнинг авлодларга васияти. Зеро, андишалилик — элга шарму ҳаё билан муносабатда бўлиш, ор-номус билан халқнинг хизматида туриш, каттаю кичикка эҳтиром кўрсатиш деганидир.

***

Алишер Навоийнинг барча асарларида Андиша ва Ҳаё ифори анқиб туради. Ҳазрат қаламига мансуб илму идрок жавоҳирларини мутолаа қилар экансиз, ўзингизни тафаккур ва руҳият уммонига шўнғиб кетгандай ҳис этасиз. Беихтиёр бахтиёр ғаввосга айланасиз-да, энг бебаҳо маънавий дуру жавоҳирларни ўзлаштириб, ўзингизни руҳан энг бой одам сифатида ҳис қиласиз...

Шу маънода "Маҳбуб ул-қулуб"ни айнан Ҳаё ва Андишага бағишланган асар дейиш мумкин. Чунки унда кўнгилларга суюкли иккита қадрият — ҳаёю андиша бебаҳо дурдоналардек муҳташам эъзоз топган.

***Комиллар — аҳли ҳаё,***
***Ноқислар — беҳаё.***

Улуғ шоир назарида вафо ва ҳаё карам ва мурувватнинг биродар фарзандларидир. Зеро:

***Кимдаки вафо ва ҳаё йўқ,***
***Унда иймон йўқ.***

Ҳазрат Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида туркий тилнинг беқиёс бойлигию жозибасини кўрсатиш билан бирга, бошқа тиллардан андишалироқ ва ҳаёлироқ эканлигини ҳам исбот этган. Айнан шу сабаб ҳам, тилимиз гаплашишда ҳам, ўқиш, ёзишда ҳам қутлуғ ва муборакдир.

***

Андишасиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Андиша буйруқ бермайди, амр этмайди, балки кўнгилга эш хусусият сифатида намоён бўлади.

Андиша боғи олдида Бобилнинг етти мўъжизанинг бири, деб таъриф бериладиган афсонавий Семирамида боғлари ҳеч гап эмас. Улар охироқибат қуришга ва йўқ бўлиб кетишга маҳкум. Андиша боғига эса бундай кўргулик хавф солмайди. У инсониятнинг бутун умри давомида яшнаб, кўнгил ва руҳ хотиржамлигига кафолат бўлиб туради.

Андиша боғида барча инсоний фазилатлар гўё жадвал чекиб экилган гуллардай саф тортиб, назокату нафосат байроғини баланд кўтариб турадилар. Энг олдинги қаторда меҳру муҳаббат туғдорлари — алвон лолалар туради. Вафо ва садоқатнинг беназир рамзлари — гўзалликда шоҳу султон атиргуллар улар ёнидан жой олишган.

Қалбни ҳиммат ва саховат илинжи билан тўлдирувчи туйғулар тўлқини — нозбўйлардир. Уларга яқинлашганинг сайин кўзларинг равшан тортади, жаннатий ифор димоғингни чоғ қилади.

Андиша боғида гулларнинг сон-саноғи бўлмаганидек, эзгуликнинг, ҳаётга куч бағишловчи гўзалликнинг ҳам адоғи йўқ.

***

Донишманд Нитше иккита куч борлигини таъкид этган. Яъни улардан биринчиси — инсонни ҳаётга етакловчи қудрат. Иккинчиси — эса ўлимга олиб борувчи куч.

Андиша боғининг ҳар бир гиёҳи инсонни ҳаётга етаклаб, куч-қувват бағишлайди. Инсонни ўлимга олиб борувчи салбий кучлар таъсиридан қутқаради.

Андиша боғининг дарахтлари ҳақида тўхталмасдан ўтиб бўладими? Уларнинг илдизи юракда. Бўйлари муҳаббатнинг, орзу-умиднинг, некбин хаёлларнинг энг чўққиларигача етиб борган. Бу чўққиларга чиқиб, ернинг тагидан оқиб ётган ҳаёт денгизини ва осмондаги тириклик уммонини аён кўриш мумкин. У ишонч пайдо қилади, Руҳ мангу яшашини англатади.

Барча лутфу назокат Андиша боғининг булбулларни ҳам лол қолдирадиган, сайроқи булбулигўёларида мужассам. Биз ер юзида ҳар куни кўриб, эшитиб юрган қушларнинг фақат бир нечтасигина сайрайди. Уларнинг ҳам ҳаммасининг овози кўнгилга манзур эмас. Андиша боғининг, бир қарашда булбулдан ҳам кичик, бир қарашда бутун дунёча келадиган қушларининг барчаси хушхон ва сухандон.

Айниқса, Кўнгил қуши ҳеч тиним билмайди. Қачон қарасанг, у ўзига меҳрдан паноҳ излайди ва излаганини Андиша боғидан топади.

Андиша боғининг яна бир устун жиҳати, уни тушда кўриш мумкинлигида. У ҳамиша олдинда кутиб турган яхшилик ва сиҳат-саломатлик рамзларидан дарак беради.

Андишанинг моҳият-мазмуни ўз доирасида ва ундан ташқарида ҳам, ою юлдуз зиёси янглиғ жилваланишдан тўхтамайди. Уни оддийгина қилиб, ўю хаёл, фикру мулоҳаза ифодаси, деб чеклаб қўйиб бўлмайди. У мақсад, теран фикр, шарму ҳаё, ибо, истиҳола, ор-номус, уят, чекланиш сингари маъноларгача кенгайиб, мангулик касб этади.

Ҳаё эса Андишага ўзнинг биродарлик илгини чўзади. Улар бирлашиб кетганларида ҳеч қандай ғайри инсоний куч уларни маҳв қилишга қодир бўлмайди.

Улуғларимизнинг Ҳаё ва Андишалари, асарларида Ҳаё ва Андишага қаратган эътиборлари хусусида узоқ гапириш мумкин. Аммо сўз гавҳарининг кўпи эмас, ози чиройли, деб таъкидлайди донишманд. Яъни сўздан андиша қилиш ҳам жуда муҳимдир.

**Сотим АВАЗ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**







**Аввалроқ, ОАВда Россия президенти Владимир Путин МАКС-2019 авиасалонида Туркия президентига музқаймоқ олиб бергани ҳақида хабар берилганди.**



"MK.ru" хабарига кўра, сотувчи қиз аслида ким эканлигини билиш мақсадида журналистлар Жуковскийда уни қидиришга киришишган.

"У камида Федерал қўриқлаш хизматининг полковниги бўлса керак", — деб ҳазиллашган фуқаролар. Аёл ростдан ҳам полковникми ёки йўқ, буни аниқлашнинг имкони бўлмаган. Бироқ музқаймоқ тарихи ростдан ҳам жуда қизиқ бўлиб чиққан.

Эрдўғон ва Путин музқаймоқ сотиб олган жойда эртаси куни ҳеч қандай музқаймоқ шохобчаси бўлмаган.

Яъни музлаткичлар ва стандарт ҳаворанг кийимдаги сотувчилар бор, бироқ тадбир видеосида тасвирланган кўк кийимли аёл ва унинг аравачаси йўқ. Ёнидаги сотувчиларнинг ҳам ҳеч бири президентларга музқаймоқ сотган қиз кимлигини билмаган.

Ташриф вақтида кўргазманинг бир қисми ўраб олинган эди ва президентларга 50-70 нафар Федерал қўриқлаш хизмати ходимлари ҳамроҳлик қилган. Шундай вазиятда қаердандир музқаймоқ аравачаси пайдо бўлиб қолгани қизиқ...

"Шундай бўлсада Путиннинг музқаймоқчиси аслида нима иш билан шуғулланиши қизиқ", — дейилади хабарда.

***

**"CNN"нинг хабарига кўра, Дональд Трамп Польшада Иккинчи Жаҳон уруши бошланишининг 80 йиллигига бағишланган тадбирда қатнашишини бекор қилди.**



"Мен учун шу ерда бўлиш муҳим. Флоридага яқинлашиб келаётган "Дориан" бўрони жуда ҳам жиддий бўлиши мумкин. Менинг ўрнимга Польшага вице-президент Майкл Пенс боради", — деди Трамп.

**"Meduza.ru"нинг хабарига кўра, швециялик мактаб ўқувчиси Грета Тунберг Нью-Йоркка етиб келди.**



У иқлим ўзгариши муаммолари билан шуғулланади. Унинг айтишича, атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтириш учун самолётда учишдан воз кечган ва АҚШга парус яхтасида етиб келган.

Тунберг БМТнинг сентябрь ойи иккинчи ярмида АҚШ ва Чилида бўлиб ўтадиган иқлим ўзгаришлари бўйича саммитида иштирок этади.

***

**"Sputnik"нинг хабарига кўра, Тожикистон президентининг буйруғи билан мамлакат пойтахтида "Сиёма" ичимлик ишлаб чиқариш заводи очилди.**



Ушбу заводда 25 нафар хорижий мутахассис 160 кишини ўқитмоқда. Сув заводдан 55 километр узоқликда бўлган Сиёма дарёсидан олинади.

"Тожикистон Ўзбекистон жанубий вилоятларига сувни экспорт қилиши мумкин. Агар тожик-афғон чегараси хавфсиз бўлганида, Афғонистон шимолий вилоятларига экспорт қилиш мумкин эди. Бу сув микрокристал тузилишга эга, у одам қон томир тизимини тозалаш учун фойдалидир. Бундан ташқари, бу сув жуда мазали ва у олинадиган дарё Марказий Осиёда машҳур", — дейди Тожикистон Фанлар академияси Иқтисодиёт ва демография институти бўлими мудири Хожамаҳмад Умаров.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3290-сон қарорига асосан 2019 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Миллий университети қошидаги **2-сон академик лицейи ўз фаолиятини тугатаётганини маълум қилади.**




Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

# Иқрор

О, ота маконим.
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам.
Римни алишмасман бедапоянгта.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,
Тоғларинг ортимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фаранглари̇н.
Ё худбинман мен ё бир содда касман мен —
Парижнинг энг гўзал ресторанлари̇н,
Битта тандирингга алишмасман мен.

На гапга кўнайин,
На тил билайин,
Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат —
Уч кунда соғинсам нима қилайин,
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улуғим ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда туғилган қўзинг,
Араб оҳусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам — базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.
Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади.

“ADOLAT” ШАРҲИ

Сўзимизнинг аввалида социал-демократия тушунчасига қисқача тўхталиб ўтсак.
Аслида “социал” сўзи лотинча бўлиб, ўзбек тилида ижтимоий деган маънони англатади. Демократия (юнонча) сўзи — ҳаммага таниш, халқ бошқаруви деган маънога эга. Демак, социал-демократияга “ижтимой йўналтирилган халқ бошқаруви” деб изоҳ берсак бўлади.

# Социал-демократия ва миллий қадриятлар

Шу ўринда ижтимой йўналтирилган халқ бошқаруви Ўзбекистон халқларида тарихан бўлганми ёки бу XXI аср ютуқлариданми, деган савол туғилади. Маълумки, бизнинг маданият, урф-одат ва миллий анъаналаримиз ўзига хослиги, шарқоналиги билан ажралиб туради. Олимларнинг таъкидлашича, ҳар қандай урф-одат ва ёки удумларнинг шаклланиши атроф-муҳит ва иқлим билан боғлиқ. Ҳатто, бу боғлиқлик уларнинг тили, сўзлашув шаклларида ҳам кўзга ташланади.

Европа халқларидан фарқли ўлароқ, бизнинг маданиятимиз ва урф-одатларимиз суғориладиган қишлоқ хўжалиги шароитида шаклланган. Экинларни суғориш маданиятининг шаклланиши — кўплаб одамларнинг фаолиятини бирлаштиришга олиб келган. Бунда умумий фойдаланишда бўладиган катта ариқларни қазиш учун одамлар биргаликда ишлашига тўғри келган. Табиийки, суғориладиган деҳқончиликка асосланган қишлоқ хўжалигини юритишни одамлар ўзаро келишмасдан туриб, амалга ошириб бўлмайди (масалан, навбатини белгилаб, экинлар ва ерлар ҳолатини инобатга олиб иш тутиш).

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти жамият аъзолари ўзаро ижтимоийлашувини ҳамиша талаб этган. **Шунинг учун бизнинг юртимизда жамиятнинг ижтимоийлиги қадимдан мавжуд бўлган, деб бемалол айта оламиз.** Бунинг энг муҳим хусусияти, маҳаллий аҳоли одатларида жамоа манфаатлари ҳамиша алоҳида шахс манфаатларидан устун кўрилганида ҳам акс этади. Бу билан жамиятда тотувлик ва осойишталик ҳукм суради, деб қаралган. Бизда оила манфаатлари ҳам алоҳида шахс манфаатларидан устун қўйилади. Шунингдек, оила манфаатларидан маҳалла манфаатлари, маҳалла манфаатларидан туман ва вилоят манфаатлари устун қўйиб келинган.

Шунинг баробарида жамиятимизнинг ижтимоийлиги жамият манфаатларини амалга ошириш орқали унинг ҳар бир аъзоси манфаатлари қониқтириб борилади. Жамият манфаатлари ҳар бир жамоа аъзосининг манфаатларига мос келиши ҳам эътиборга олинади. Буларга эса удумларимиз, урф-одатларимиз мослашган. Агар кимникидадир тўй ёки маърака бўлса, бу шу ердаги бутун жамоанинг тўйи ва ёки маъракаси сифатида қаралади.

**Қадимда социал ёки ижтимоий жамият деган тушунчалар ёхуд атамалар бизда қўлланилмаган бўлса-да, лекин ҳаёт тарзи юқори даражада ижтимоийлашган ҳолда кечган.**

Бунда демократик тамойилларнинг қўлланилиши ҳам кузатилади. Яъни ҳар қандай маросим ёки ишлар ўзаро маслаҳат ва келишувга кўра амалга ошириладди. Суғориш ишлари ҳамма ҳурмат қиладиган миробнинг кўрсатмасига кўра олиб бориладди. Агар бирор жойда бундай тартиб ва удумлар шаклланмаган бўлса, суғориш ишлари мавсумида ўзаро келишмовчиликлар, нохуш ҳолатлар чиқиши эҳтимоли юқори бўлган.

Хуллас, жамиятнинг ижтимоийлиги, демократик тамойилларининг удум-одатларимизга сингиб кетганлиги (социал-демократик удумларнинг мавжудлиги) бизнинг маданиятимизга мос келади.

Жамиятимиз ижтимоийлигининг хусусиятларига кўра жамоанинг ҳеч бир аъзоси ташлаб қўйилмайди. Тўйлар, маъракалар учун зарурат туғилганда моддий ёрдам берилади. Ўзини таъминлай олмайдиган кексалар, бева, етим-есирлар жамоа қарамоғи остида бўлади.

Шуларни назарда тутганда партиямизнинг дастурий тамойиллари халқимизнинг маданияти ва миллий анъаналарига мос, деб қаралиши тўғри эканини англаймиз.

Аммо бугунги кунда ҳамма нарса биз фикр юритаётганимиз каби оддий эмас. Бозор иқтисодиёти принциплари бошқача тартибларни ва жамиятдаги муносабатларни шакллантиришга қаратилган. Бозор иқтисодиёти принциплари либерал ғояларга асосланган. Бозор иқтисодиёти назариясининг илк тарғибчиларидан бири, олим Адам Смит бозор иқтисодиёти ривожланиши учун унинг қатнашчилари, аваламбор, эркин (liberal) бўлиши лозимлигини таъкидлаган. Алоҳида шахс ва тадбиркорларнинг фаолиятига давлат аралашмаслиги лозимлигини уқтирган.

Аслида ҳам алоҳида шахс ва тадбиркорнинг эркинлигини тарғиб этиш ғарб маданиятига хос. Уларда экинларни суғориш шарт бўлмаганлиги сабабли хутор шаклида, яъни алоҳида хўжаликлар ўзларини таъминлаш имконига эга бўлган. Жамоа бўлиб яшаш мажбурий чекловлари бўлмаган, шу боис ғарб маданиятида индивидуализм, шахсий эркинлик ғоялари устунлик қилади. Либерал ғояларнинг асосий устуни бу шахс эркинлигидир. Бу ғоялар катта афзалликларга эга. Шахс ривожланишига ҳеч қандай тўсқинлик бўлмаганлиги инсонга далда бериб, ўзни намоён этишга кучли таъсир қилади.

Шу билан бирга, индивидуализм ва либерализмнинг ўзига яраша салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Адабиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори А.Солженицин 1978 йил Гарвард университетида сўзлаган нутқида ғарб давлатларида алоҳида шахс манфаатларининг жамоа ва жамият манфаатларидан устун қўйилиши охир-оқибат жамият ва шунингдек, ҳар бир шахс инқирозига олиб келишини таъкидлаган эди. У ғарб давлатларининг адлиявий жамиятга айланиб қолганлигига эътибор қаратган.

Бундай жамиятда ҳеч ким ўз шахсий манфаатларини, ўзининг шахсий қулайликларини умумий манфаатлар фойдасига қурбон қилишга тайёр эмаслигини эътироф этган. Бундай жамиятда инсон ҳуқуқлари қонун билан ва фақат қонун билан ҳимояланади ва чекланади. Агар шахс ҳуқуқий — адлия нуқтаи назаридан ҳақ бўлса, унга ҳеч ким бошқа шахслар ва жамият манфаатлари учун ўз ҳаққидан кечишни таклиф қила олмайди. Адиб ушбу чиқишида “Ҳа, инсон ҳуқуқлари ўта муҳим. Ва лекин ундан-да муҳимроқ — умумий манфаатлар, шахснинг мажбурият ҳиссиёти, олий мақсадлар олдида шахсий манфаатларидан кечиш муҳимроқлиги”ни қайд этганди.

Юртимизда бозор иқтисодиёти ислоҳотларининг амалга оширилиши, жамиятда ушбу тизим тамойилларига риоя қилишга ундайди. Бироқ бунда вужудга келаётган айрим жиҳатларни, яъни риск (хатарли) ҳолатларни жамият аъзолари асло назардан четда қолдирмаслиги лозим. Хусусан, халқимизнинг миллий удумларига кўра жамият манфаатлари устун қўйилишидан турли гуруҳ ва шахслар ғаразли мақсадларда фойдаланиши мумкин. Бозор иқтисодиёти ривожланиши жамият аъзолари табақаланишининг кучайишига олиб келади. Рақобат мавжуд ерда бу табиий ҳол. Бунда айрим шахслар ва гуруҳлар жамият ва давлат эҳтиёжларини рўкач қилиб, ўз шахсий манфаатларига эришиш мақсадида турли фирибгарликларга йўл қўйиши, одамларнинг урф-одатларимиз ва удумларимизга мос инсоний фазилатларини суиистеъмол қилишга уриниши кузатилади.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олишда маҳаллий социал-демократларнинг ва барча адолатпарварларнинг вазифалари кенгаймоқда. Шу мақсадда миллий социал-демократик ғоялар тарғиботини янги босқичга олиб чиқиш, бу йўналишда тадқиқот ва изланиш ишларини ташкил этиш лозим.

“Адолат” социал-демократик партияси янги дастурларида халқимизнинг азалий анъаналарига асосланган Миллий ғояни тарғиб қилиш, маданиятимизни сақлаш ва ривожлантириш масалалари акс этиши айни муддаодир. Бу масалаларга эътибор қаратилиши сайловчилар томонидан партия вакилларини қўллаб-қувватлаш ва кейинчалик Дастурнинг ушбу йўналишидаги вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишда кўмакчи бўлишларига замин яратади.

**Мирёқуб ҲАЙДАРОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди, доцент**



IPOTEKA BANK



*Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!*

*«Ипотека-банк» жамоаси барча юртдошларимизни Мустақиллик байрами билан табриклайди!*

*Ушбу байрам диёрини севган, унинг тарихи ва кўп йиллик анъаналарини эъзозлаган, Ватани равнақи йўлида ўз кучи ва меҳнатини, билим ва истеъдодини аямаган барча инсонларни бирлаштиради. Сизга ва яқинларингизга соғлиқ, бахт, фаровонлик ҳамда барча эзгу ниятларингиз амалга ошишини тилаб қоламиз!*

28

www.ipotekabank.uz 78-150-89-55

Хизматлар лицензияланган

AGROBANK

**“АГРОБАНК” АТБ ЖАМОАСИ**

**юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз айём — Ватанимиз Мустақиллигининг 28 йиллиги билан самимий қутлайди! Бугунги кунда халқимизнинг она-Ватанимизни обод ва фаровон этишдек эзгу ҳаракатлари, орзу-интилишлари рўёбга чиқаверсин! Иқтисодиётимизни янада ривожлантириш борасида бунёдкорлик ишларимиз давом этаверсин!**

**Қутлуғ айём барчамизга муборак бўлсин!**



/AgrobankChannel

/agrobankuzbekistan

Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг

App Store Google Play

www.agrobank.uz

тел.(71) 203 88 88

Хизматлар лицензияланган

Reklama

**ҚУВАСОЙ ШАҲРИДАГИ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ “BULDING MATERIALS PRODUCTION AND TRADING GROUP” ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**



**Барча юртдошларимизни, ишбилармон ва тадбиркорларни ҳамда хорижий ҳамкорларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллиги билан муборакбод этади!**

Шу билан бирга, корхонада ишлаб чиқарилаётган шифер маҳсулотини сизларга таклиф этади:

**ШИФЕР МАҲСУЛОТИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ:**

Черепица ва тунука маҳсулотидан арзон.
Занглагмайди.
Паст иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятига эга.
Ёнмайди.
Совуққа чидамлилиги юқори.
Юқори чидамлилик
(250 кг.дан ортиқ юкни кўтариши мумкин).
Кучли шамол, қор, ёмғирга бардош беради.
Деярли чексиз хизмат муддатини таъминлайди.
Шиферни ўрнатиш йил давомида ўтказилиши мумкин.
Кафолат муддати 50 йил.



Мурожаат учун телефонлар: (99) 990-99-96, (98) 575-10-07
Манзил: Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Чек қишлоғи.

Хизматлар лицензияланган

Маҳсулот сертификатланган.



**МУАССИС:**

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *71 288-46-54* (149); Котибият — *71 288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *71 288-42-12* (144); Қабулхона — *71 288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *71 288-42-14* (144); 90 *900-72-15*

**Навбатчи муҳаррир** — Камол Матёқубов
**Навбатчи** — Бобиржон Тунгатов

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 900.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади — 1966
Босишга топшириш вақти — 00.50
Босишга топширилди — 1.50

*Баҳоси келишилган нархда*

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**info@adolatgzt.uz** **adolatgz-95@mail.ru**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

1 2 4 5 6